

ISSN 2181 - 7286

1/2024

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЖТИМОЙИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР



ISSN 2181-7286
1/2024

**Таълим тизимида
ижтимоий-гуманитар
фанлар**

Тошкент – 2024

МУНДАРИЖА

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ	
Karimova N.A., Egamnazarov A.N. Taqdimot yaratishning zamonaviy vositalari.....	6
Sagatov M.V. Вопросы использования модели учащегося в автоматизированных системах обучения.....	11
Авляев О.У. Шахс социал интеллектининг даражавий хусусиятларининг частотали тахлили.....	16
Alimova N.S. Ona tili ta'limida zamonaviy texnologiyalardan foydalanish.....	20
Shomirzaev M.X. Talaba-yoshlarni kasb-hunar o'rgatishda oila tarbiyasi.....	25
Равшанова Х.А. Заиф эшитувчи ўспиринларнинг социал интеллект динамикаси.	29
Уралова М.Г. Образовательные парадигмы и модели на современном этапе развития общества.....	34
Sharipova Sh.X. Turizm madaniyatining mazmun va mohiyati.....	38
Abaskhanova K.Y. Use of innovative technologies in teaching the science of programmable digital devices.....	42
Kudratxodjayeva N.A., Usmonova Z.N. Asar mutolaasida didaktik tahlil usulining ahamiyati.....	45
Mardov S.X. Grafik ta'lim jarayonida talabalar fazoviy tasavvurini dizayn fikrlash va grafik dasturlar asosida rivojlantirish metodikasini takomillashtirish.....	50
Рахманова Д.У. Педагогик технологиялар - талабалар интеллектини оптималлаштириш омили сифатида.....	56
Miraxmedov J.M. Milliy ma'naviyatning shakllanishida tarixiy ong omilli.....	61
Цагараева О.Б. Дискурсивный потенциал фразеологических единиц, формирующих развитие интеллекта человека.....	65
Beknazarova L.S. Ijodiy-innovatsion ta'limning ijtimoiy-psixologik jihatlar.....	70
ИҚТИСОД	
Нигматова Д., Адиллов Б. Развитие информационных технологий — основа финансовых отношений в мире бизнеса.....	75
Karimov D.M., Adilov B.B. Zamonaviy iqtisodiyotda raqamli texnologiyalar.....	81
Akramova O.Q., Boboyev A.Ch., Muxiddinova N. Hududlarning investitsion jozibadorligiga ta'sir etuvchi omillar.....	90
Bobojonova Z.Sh. Neft va gaz sanoatida ishlab chiqarish resurslaridan tashkiliy-iqtisodiy foydalanishning ilmiy-nazariy asoslari.....	95
Jumayev Z.I. Davlat boshqaruv organlarida raqamli texnologiyalarni joriy etishning zamonaviy yo'nalishlari.....	100
Rasulova N.N. Xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda hududiy yondashuv.....	106
Toshev F.Z. “Yashil iqtisodiyot”ni rivojlantirishda soliq omilidan foydalanish yo'llari.	111
Абулкасимов Х.П., Муродхўжаева Ф.М. Наманган вилояти саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.....	115
Базарова Г.Г. Безработица, ее экономические и социальные проблемы и пути решения.....	122
Эрназаров Г.Б. Ўзбекистоннинг янги иқтисодий ривожланиш даврида хизмат кўрсатиш соҳаси, унинг статистик тахлили ва истиқболлари.....	128
Корабоев Э.А. Электр энергетика саноати корхоналарининг ташкилий-иқтисодий фаолиятининг кибериктисодий хавфсизлиги тахлили.....	136

Мустафоев Г.С. Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш орқали қишлоқ аҳолиси ҳаёт фаровонлигини оширишнинг истиқболли йўналишлари.....	143
Rashidov R.A. Tadbirkorlik tushunchasining konseptual asoslari.....	151
Нажимов И.П. Қорақалпоғистон Республикасида қурилиш материаллари саноати корхоналарини самарали ривожлантириш истиқболлари.....	158
Худайбердиев О.А. Sanoat 4.0 texnologiyalari: ta'minot zanjirlarida innovatsiyalar drayveri sifatida.....	163

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан рўйхатга олинган, 2007 йил 22 январь, № 0205 сонли гувоҳнома

ISSN 2181-7286. Иқтисод бўлими ОАК рўйхатига 2019 йил 1 январдан, Педагогика бўлими 2019 йил 29 июндан, Тарих, Фалсафа, Психология бўлимлари 2022 йил 30 ноябрдан, киритилган.

Журнал зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 22 января 2007 года, свидетельство № 0205

ISSN 2181-7286. С 1 января 2019 г. журнал включен в перечень ВАК экономического отдела, с 29 июня 2019 г. – в перечень отдела педагогики, с 30 ноября 2022 г. – в перечень отделов истории, философии и психологии.

The journal was registered by the Press and Information Agency of Uzbekistan, January 22, 2007, certificate No. 0205

ISSN 2181-7286. The part of of Economy has been included in the list of Higher Attestation Committee since January 1, 2019, the part of Pedagogy since June 29, 2019, and the parts of History, Philosophy, and Psychology since November 30, 2022.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР - ТАЛАБАЛАР ИНТЕЛЛЕКТИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ КАК ФАКТОР ОПТИМИЗАЦИИ ИНТЕЛЛЕКТА УЧАЩИХСЯ

PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES AS A FACTOR IN OPTIMIZING STUDENTS' INTELLIGENCE

Рахманова Д.У. (Чирчик ДПУ катта ўқитувчиси)

Ушбу мақолада педагогик технологиялар талабалар интеллектини оптималлаштириш омили сифатида ўрганиш натижалари таҳлил қилинган.

Шунингдек, педагогик технологияларнинг талаба ақлий тараққиётига таъсири эмперик ўрганиш натижаларини илмий-амалий талқини келтириб ўтилган.

Шунингдек, педагогик технологиялар таълим олувчи шахсга, айниқса, унинг ақлий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди. Бунинг учун талабаларнинг ақлий тараққиётини таъминлашга қаратилган педагогик технологияларни ўқув машғулотларда қўллашга мўлжалланган семинар-тренинглار татбиқидан аввал ва кейинги натижалар талқини амалга оширилган.

Калит сўзлар. Талаба, интеллектини оптималлаштириш, педагогик технологиялар, ақлий тараққиёт, корреляцион боғлиқлик

В данной статье анализируются результаты изучения педагогических технологий как фактора оптимизации интеллекта учащихся. Также представлена научно-практическая интерпретация результатов эмпирического исследования влияния педагогических технологий на интеллектуальное развитие учащихся. Также установлено, что педагогические технологии положительно влияют на обучающегося, особенно на его интеллектуальное развитие. С этой целью была проведена интерпретация результатов до и после реализации семинара-тренинга по использованию педагогических технологий в образовательной деятельности, направленной на обеспечение интеллектуального развития обучающихся.

Ключевые слова. Студент, оптимизация интеллекта, педагогические технологии, психическое развитие, корреляционная зависимость.

This article analyzes the results of studying educational technologies as a factor in optimizing students' intelligence. A scientific and practical interpretation of the results of an empirical study of the influence of pedagogical technologies on the intellectual development of students is also presented. It has also been established that pedagogical technologies have a positive effect on the student, especially on his intellectual development. For this purpose, the results were interpreted before and after the implementation of a training seminar on the use of pedagogical technologies in educational activities aimed at ensuring the intellectual development of students.

Key words. Student, optimization of intelligence, pedagogical technologies, mental development, correlation dependence.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

Таълимнинг самарадорлигини амалга оширишда юқори кўрсаткичли воситалардан бири – бу педагогик технологиялар эканлиги сир эмас. Таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик технологиялар назарияси ва амалиётининг кириб келиши замон талабидир. Педагогик технологиялар муаммоси педагогик нуқтаи назардан илмий асосда чуқур ўрганилган. Бироқ улар таълим-тарбия жараёнига татбиқ этилганда, талаба шахсига (унинг психик жараёнларига) нисбатан психологик таъсири масаласи шу пайтгача жиддий тадқиқ қилинмаган. Зеро, инсон шахси ўта мураккаб ва кўп қатламли тузилмага эга бўлган психологик объект ҳисобланади. Педагогик технологиялар талаба шахсига яхлит ҳолда таъсир қилади, унда муайян ўзгаришларни вужудга келтиради. Педагогик технологиялар маълум мазмунни талабалар онгига етказиш усули сифатида уларнинг ақлий тараққиётига таъсир кўрсатади. Кўплаб психолог олимлар таъкидлаганларидек (Б.Г.Ананьев, В.В.Давидов, Л.С.Виготский, А.А.Вербицкий, А.М.Матюшкин), ақлий тараққиёт бевосита мазмун таъсири асосида амалга оширилади[1-4]. Шакл ва мазмун уйғунлиги, яъни самарали таъсир кўрсатадиган педагогик технологиялар замирига мазмуннинг жойлаштирилиши талабалар ақлий тараққиётининг асосини белгилайди. Шу нуқтаи назардан биз педагогик технологияларнинг таълимда талаба ақлий тараққиётига таъсирининг психологик ўзига хослигини ўрганишни мақсад қилиб танладик.

Айнан мана шу вазифани ҳал этиш оқибати ўлароқ «тўлиқ ўзлаштириш» технологияси дунёга келади. Мазкур технологиянинг ижодкорлари америкалик психологлар Дж.Кэррол ва Б.Блумлар куйидаги фикрни илгари сурадилар. Талабаларни ўзлаштириш даражаларининг ҳар хиллиги одатда улардаги таълим олишга нисбатан қобилият кўрсаткичларининг ҳар хиллиги билан белгиланади. Бироқ Дж.Кэррол шу нарсага эътиборини қаратдики, анъанавий таълим усулида ҳар доим таълим шарт-шароитларнинг ўлчовлари қайд қилиниши (барча учун бир хил бўлган ўқув вақти, маълумот узатиш усули ва ҳоказо) олимнинг фикрига кўра, бу ўринда битта параметр қайд қилинмасдан қолинмоқда. Бу – таълимнинг натижалари. Шунда Дж.Кэррол таълимнинг натижаларини доимо қайд қилинадиган параметрга айлантириб кўйишни таклиф қилди[5]. Шунда, унинг фикрича, вазият бутунлай ўзгариши кузатилади. Ўқитувчилар ҳам сўнги натижага қараб дарсларини ўтиши, яъни «талабалар берилган топшириқларни бажаряптими ёки йўқми, кўзда тутилган билим ва малакалар эгалландими ёки йўқми деган фикр муҳим ҳисобланади.

Бу назарий ёндашув кейинчалик Б.Блум томонидан ривожлантирилди. Блумнинг таҳлил қилишича, талабанинг қобилияти унинг ўқув материални ўзлаштириш суръати билан ўлчанади. Бироқ бу суръат ҳамма учун ўртача кўринишга келган шароитда эмас, балки мазкур талаба учун оптимал танланган шароитда ўрнатилди. Муаллиф талабаларнинг қобилиятини уларнинг ўқув материални ўзлаштиришлари учун чекланмаган вақт берилган шароитда ўрганди. Шунда талабаларни куйидаги категорияларга бўлиш имконияти юзага келди:

1) қобилияти заиф талабалар. Улар ҳатто ўқув материалларини ўзлаштириши учун кўникма ва билимларини эгаллашлари учун етарли даражада муддат берилганда ҳам вазифани бажаришни уддалай олмайдилар.

2) иқтидорли талабалар (тахминан 5%). Уларда ўқув материалларини ўзлаштириш суръати юқори бўлади ва улар ҳар қандай ўқув топшириғини юқори темпда бажарадилар.

3) одатдаги талабалар. Бундай талабалар жами контингентнинг қарийб 90%ини қамраб олади, уларнинг билим ва малакаларини эгаллашга нисбатан қобилиятлари ўзлаштириш учун сарф қилинган ўқув муддатига боғлиқ.

Бу тадқиқотда тўпланган маълумотлар асосида олим ўз ғоясини шакллантиради ва бу ҳолат у яратган «тўлиқ ўзлаштириш технологияси»нинг пайдо бўлишига асос бўлди. Олимнинг фикрига кўра, таълим жараёни тўғри ташкил этилганда, айниқса қатъий вақт чегаралари олиб ташланганда 50 % талабалар таълим жараёнида узатилаётган ўқув материали мазмунини тўлиқ ўзлаштириб олиши мумкин. Қолган 50 % талабаларда ўзлаштириш даражаси қуйи бўлади.

Эътибор қилинса, анъанавий дарс беришда қуйи самарадорликка эга бўлганлар 90% ни ташкил этишса, талабаларга маълум билим ва кўникмаларни эгаллаш учун қўшимча муддат берилганда уларнинг 50 %ида самарали ўзлаштириш кузатилади. Демак, анъанавий таълим усулидан фарқли ўлароқ таълим жараёнига педагогик технологияни жалб этиш орқали таълим-тарбия самарадорлиги оширилади [6.54].

Тадқиқот натижалари:

Тадқиқотимизнинг асососий босқичида бевосита талабаларнинг ақлий тараққиётини таъминлашга қаратилган ва педагогик технологияларни ўқув машғулотларда қўллашга мўлжалланган семинар-тренинглар татбиқидан кейинги натижалар талқини амалга оширилади.

Тадқиқотимизнинг ушбу босқичи шакллантирувчи эксперимент босқичи деб ҳисобланиб, унда тажриба-синовимизнинг бошида ажратиб олинган назорат ва тажриба гуруҳлари устидаги такрорий психодиагностик методикаларни қўллашдан олинган эмпирик маълумотлар хусусида сўз юритилади. Шакллантирувчи босқичда эксперимент гуруҳи текширилувчилар педагогик технологиялар орқали ўқитишга асосланган дастур ва назорат гуруҳий анъанавий ўқитилаётган дастур орқали ўқитилади. Махсус дастурда педагогик технологияларнинг услубларига мос машғулотни ташкил этиш, топшириқ ва вазифалар белгиланган.

Тадқиқотни шакллантирувчи босқичидан ва назорат гуруҳининг анъанавий таълим жараёнидан сўнгра талабалар ақлий тараққиётини баҳолаш мезонлари бўйича методикалар қайта татбиқ этилди.

Шакллантирувчи эксперимент босқичида ҳам кўрсаткичларнинг талқинида анъанавий ёндашувга содиқ қолган ҳолда эксперимент ва назорат гуруҳлари текширилувчиларининг натижаларини умумий қиёсий, гуруҳнинг хусусий ҳолатлари, ёш босқичлари ҳамда аниқловчи ва шакллантирувчи тажрибалар босқичлари кўрсаткичлар бўйича таҳлили қилинди. Дастлабки таҳлил эксперимент гуруҳининг ақлий тараққиёт мезонлари бўйича шакллантирувчи ва назорат босқичларидаги натижаларининг умумий ҳолатига қаратилган (1-жадвал).

Тажрибамизнинг шакллантирувчи босқичидаги махсус дастурда талабаларни ўз соҳалари бўйича ўқитиш жараёнида педагогик технологиянинг самарали усуллари, шахснинг ақлий тараққиёти, унинг когнитив соҳаси, хусусан, тафаккур хусусиятларини ривожлантиришга қаратилган топшириқлар билан қамраб олганлиги инобатга олинадиган бўлса, у текширилувчиларнинг кўрсаткичларида ўзгаришларни келтириб чиқаришини тахмин қилиш мумкин. Энди ушбу фикрнинг давоми сифатида миқдорий кўрсаткичлар таҳлиliga мурожаат қилайлик. Эксперимент гуруҳи текширилувчиларининг ақлий тараққиётини шакллантирувчи ва аниқловчи диагностик босқичи кўрсаткичларида статистик фарқни ақс эттирувчи бир қатор ҳолатлар кузатилмоқда.

Эксперимент гуруҳи талабаларининг тажриба-синов босқичлари бўйича натижалари

Мезонлар	Тажриба-синов босқичлари	x	δ	t
Муҳим белгиларни ажратиш	Аниқловчи	5,54	1,15	-7,530***
	Шакллантирувчи	7,04	0,89	
Мантиқий тафаккур	Аниқловчи	5,32	1,15	-7,699***
	Шакллантирувчи	7,04	1,11	
Интеллектнинг лабиллиги	Аниқловчи	8,42	2,01	-2,61
	Шакллантирувчи	4,89	1,74	
Мураккаб аналогия	Аниқловчи	4,89	1,59	-7,785***
	Шакллантирувчи	6,82	1,04	
Фазовий тасаввурлар	Аниқловчи	4,14	1,51	-8,675***
	Шакллантирувчи	6,12	1,01	
Тилни ўрганишга қобилиятлилиги	Аниқловчи	90,1	12,2	1,484
	Шакллантирувчи	93,1	10,2	

Изоҳ: *** $p \leq 0.001$;

Умумий натижалардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, текширилувчиларнинг педагогик технологиялар орқали ўқитиш уларнинг ақлий тараққиёти мезонларига ҳамда уларнинг шахсий фаолликларига таъсир ўтказмасдан қолмас экан. Текширилувчиларнинг “муҳим белгиларни ажратиш” (5,54 ва 7,04; $t = -7,530$; $p \leq 0.001$); “мантиқий тафаккур” (5,32 ва 7,04; $t = -7,699$; $p \leq 0.001$); “интеллектнинг лабиллиги” (8,42 ва 4,89; $t = -2,61$; $p \leq 0.05$); “мураккаб аналогия” (4,89 ва 6,82; $t = -7,785$; $p \leq 0.001$); “фазовий тасаввурлар” (4,14 ва 6,12; $t = -8,675$; $p \leq 0.001$) қувонарли ҳолдир. Бундан кўринадики, педагогик технологияларнинг педагогик амалиётдаги тасдиғида таълим олувчининг умумий фаоллигини таъминлаши, фаолият мотивларини англашига имконият яратиши, ўзаро ҳамкорлик муҳитининг яратиши, таълим берувчи билан орадаги мавжуд тўсиқларнинг бартараф этиши таълим олувчининг ақлий тараққиётини таъминлашга хизмат қилиши мумкинлигини яна бир бора ифода этмоқда. Бундан кўринадики, талабаларнинг таълим жараёнига тайёрлиги ўқув гуруҳида ижтимоий ҳамкорлик муҳитининг шаклланиши, таълим олувчининг киришимлилиги, мустақил фикрлаши ва ўз устида ишлашига замин ҳозирлаши билан характерланади. Аммо текширилувчиларнинг шакллантирувчи ва аниқловчи эксперимент натижаларида бир мезон бўйича ўзгариш кузатилмади. У “тилни ўрганишга қобилиятлилиги” мезони (90,1 ва 93,1; $t = 1,484$) бўлиб, бу ҳолатга қисқа муддатда бунга эришиб бўлмаслигини қайд этмоқда. Тилнинг мураккаб қирралари, ўз навбатида тилни ўрганишнинг физиологик, психофизиологик ва лингвистик қонуниятларини етарлича билиши ҳамда табиий тилни ўрганиш интеллект мавжудлиги белгилорчи бўлиб қолар экан. Бу эса талабаларнинг тилга интеллектлилиги учун мустақил ва сидқидилдан изланиш олиб бориши кераклигини кўрсатмоқда. Умумий таҳлилга мос равишда ақлий тараққиёт мезонларининг корреляцион таҳлили бўйича ҳам ўзгаришлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ўрганишга эътибор қаратилди. Умумий натижалар сингари текширилувчиларнинг шакллантирувчи тажрибалардан кейинги натижаларининг корреляцион боғлиқлиги талабаларнинг ақлий тараққиёт мезонлари орасида аниқловчи босқичга нисбатан анчагина боғлиқликлар ҳосил бўлганлигини тасдиқламоқда.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

Шаклантирувчи тажриба бўйича эксперимент гуруҳи текширилувчиларининг ақлий тараққиёт мезонларини ёш босқичлари бўйича корреляцион таҳлилида ҳам анчагина ижобий ҳолатлар кузатилди (2-жадвал).

2-жадвал

Эксперимент гуруҳида шаклантирувчи тажриба-синов босқичидаги натижаларининг ёш бўйича кўрсаткичлари (19-22 ёшлилар)

	Муҳим белгиларни ажратиш	Мантиқий тафаккур	Интеллектнинг лабиллиги	Мураккаб аналогия	Фазовий тасаввурлар	Тилни ўрганишга қобилиятлик
Муҳим белгиларни ажратиш	1	0,601**	0,168	0,397*	0,495**	0,237
Мантиқий тафаккур		1	0,288	0,379*	0,492**	0,168
Интеллектнинг лабиллиги			1	0,451**	0,261	0,444**
Мураккаб аналогия				1	0,244	-0,011
Фазовий тасаввурлар					1	0,192
Тилни ўрганишга қобилиятлик						1

Изоҳ: ** $p \leq 0.01$; * $p \leq 0.05$

19-22 ёшлилар гуруҳининг ақлий тараққиёт кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар аниқлов босқичи билан таққослаганда, ўсишга эришганлигини кўрамиз. Уларда тафаккур хусусиятлари, предметларнинг муҳим ва номуҳим белгиларини фарқлаш қобилияти, абстракт тафаккур стилининг шаклланиши, шарт-шароитга қараб конкрет тафаккур услубининг намоён бўлиши мантиқий тафаккурнинг ($r=0,601$, $p \leq 0.01$), воқеа ва ҳодисалар орасидаги мантиқий боғлиқлик, абстракт томонлари ажратишга доир тушунчаларни ($r=0,397$, $p \leq 0.05$), касбий фаолиятда техник-ижодкорлик билан боғлиқ тушунчаларни идрок этишни ($r=-0,495$, $p \leq 0.05$) шаклланишига эришган.

“Мантиқий тафаккур”даги ўсиш нарса ва ҳодисаларни биринчи ва иккинчи даражали хусусиятларини фарқлашга ($r=0,379$, $p \leq 0.01$); фазовий тасаввур тимсолларининг ўсишига ($r=0,492$, $p \leq 0.01$) олиб келар экан.

“Интеллектнинг лабиллиги”даги ўсиш эса воқеа-ҳодисалардаги мураккаб ўзгаришлар, мантиқий муносабатлар ва абстракт боғлиқликларни ажратиш қобилияти ($r=0,451$, $p \leq 0.01$); тилни ўрганиш хусусиятларининг ўсишига ($r=0,444$, $p \leq 0.01$) имкон туғдира экан. Аммо ақлий тараққиёт мезонлари орасида яхлит, узвий ва изчил боғлиқлик таъминлашнинг самарали усуллари излаб топишга яна ўрин қолдирилмоқда. Бундан кўринадики, интеллектуал лабилликдаги ўсиш талабанинг таълим жараёнига тайёрлигини, ўқув мотивларини шаклантиришга туртки бериб, тилни ўзлаштиришга бўлган зехннинг ривожланишини таъминлаши мумкин деган тахминга олиб келмоқда.

Хулосалар:

1. Педагогик технологиялар таълим олувчи шахсга, айниқса, унинг интеллектини оптималлаштиришга ижобий таъсир кўрсатади. Бу таъсирнинг даражаси бир қанча омилларга, жумладан, таълим олувчи шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларига, педагогик технологиялар дастурининг муваффақиятли

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

тузилганлигига, шунингдек, педагогик технологиялар орқали таъсир кўрсатаётган таълим берувчи шахс ва унинг тайёргарлигига боғлиқдир.

2. Талабаларнинг ақлий тарақиётини ўрганиш борасида ажратилган мезонлар аниқловчи тажриба-синов босқичида назорат гуруҳи билан эксперимент гуруҳи ўртасида кескин тафовутлар кузатилмади.

3. Талабалардаги ақлий тарақиётнинг юқорилиги унинг мезонлари ўртасидаги ўзаро пропорционал ёки корреляцион боғлиқликка эга бўлган кўрсаткичлар орқали тасдиқланди. Тадқиқотнинг аниқловчи тажрибалар босқичида бундай муносабатлар кузатилмади.

4. Эксперимент ва назорат гуруҳларининг ақлий тарақиётини баҳолаш мезонларининг умумий кўрсаткичлари бўйича ўртача, ўртачадан паст қийматлар кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Avlaev O. U. Талабалар камолотида ижтимоий интеллектнинг гендер фарқлари. “Psixologiya” ilmiy jurnal. 2021. № 1, 34-41 бетлар.
2. Avlaev O., Butaeva U. Shaxs kamolotining psixologik determinant. Xalq ta’limi ilmiy-metodik jurnali. 2021. № 6, 87-92 бетлар.
3. Butaeva U., Avlaev O., Abdumannotova N. Scientific and practical studies of psychological maturity of students./ Journal of critical reviews. JCR. 2020; 7(12): 3063-3070 doi: [10.31838/jcr.07.12.463](https://doi.org/10.31838/jcr.07.12.463)
4. Burkhanov A., Avlaev O., Abdujalilova Sh. Responsibility as a criterion for determining personal maturity/ E3S Web of Conferences 2021.
5. Йўлдошев Ж.Ф., Усманов С.А. Педагогик технология асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 2004. - 102 б.
6. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: Знание, 1989. - 166 с.

UDK: 17.023:323 (575.1)

MILLIY MA’NAVIYATNING SHAKLLANISHIDA TARIXIY ONG OMILLI

ВАЖНАЯ РОЛЬ ИСТОРИЧЕСКОГО СОЗНАНИЯ В ФОРМИРОВАНИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ДУХОВНОСТИ.

HISTORICAL CONSCIOUSNESS PLAYS AN IMPORTANT ROLE IN THE FORMATION OF NATIONAL SPIRITUALITY.

Miraxmedov J.M. (Qo‘qon DPI, katta o‘qituvchisi, f.f.d (PhD))

Mazkur maqolada milliy ma’naviyatni shakllanishida tarixiy ong omili ijtimoiy-falsafiy nuqtai-nazardan tahlil qilingan. Shuningdek, Jamiyat ma’naviyatini yuksaltirishda zamonaviylik bilan tarixiylikning o‘zaro uyg‘unligin, milliy g‘urur, milliy va umuminsoniy qadariyatlar, madaniy merosning ahamiyati yoritilgan

Kalit so‘zlar: tarixiy tafakkur, tarixiy ong, tarixiy bilish, tarix, o‘zlikni anglashdan,